Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

2000 йил 7 апрел жума

Сотувда эркин нархда

№ 67 (2364)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

# МИЛЛИЙ МАФКУРА — КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ





***6 апрел куни Оқсарой қароргоҳида миллий мафкура масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда файласуф, тарихчи, сиёсатшунос, социолог, психолог, педагог ва адабиётшунос олимлар, журналистлар, таниқли адиблар, жамоат ташкилотлари вакиллари қатнашди.***

***Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.***

Давлатимиз раҳбари бу йиғилишнинг асосий мақсади – жамиятимиз ҳаётидаги энг муҳим масалалардан бири бўлган миллий мафкура хусусида атрофлича фикрлашиб, олдимизда турган вазифаларни аниқ белгилаб олиш, уларни ҳаётга жорий этиш йўлларини муҳокама қилишдан иборатлигини айтди.

Барчамизга аёнки, биз инсоният тарихида ўхшаши, андозаси бўлмаган мураккаб бир даврни бошимиздан кечиряпмиз. Яъни, нафақат иқтисодий ҳаётимизда, балки онгу тафаккуримизда ҳам янгиланиш, ўзгариш жараёнлари кечмоқда. Албатта, бу осонликча рўй бераётгани йўқ, деди Юртбошимиз. Бу йўлда эскича қарашлар, одамларимизнинг онгида эски замондан сақланиб келаётган мутелик ва қуллик асоратларини, турли зиддиятлар, баъзан очиқдан-очиқ душманлик кайфиятларини ҳам енгиб олға бораётганимизни ҳеч ким инкор этолмайди.

Миллий мустақиллик, озодлик йўли, эркин ҳаёт қуриш аслида мана шундай машаққатли бўлади. Бунга кўҳна тарихдан ҳам, яқин ўтмишимиздан ҳам кўпдан-кўп мисоллар келтириш мумкин.

Бинобарин, Йўлбошчимиз таъкидлаганидек, мана шу ўзимиз танлаган мустақил тараққиёт йўлида аниқ марраларни кўзлаб яшашимизда, пировард мақсадимиз бўлган озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш борасидаги интилишларимизда биз учун руҳий-маънавий куч-қувват манбаи, илмий асос – бу миллий ғоя, миллий мафкура бўлиши шарт.

Мамлакатимиз истиқлолга эришган дастлабки кунлардан бошлаб бу масалага алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Миллий мафкуранинг ҳаётимиздаги ўрнини белгилаш, унинг илмий-назарий асосларини яратиш, мафкуравий тарбия йўналишларини ишлаб чиқиш, шу асосда жамиятимизда ижтимоий фикрни шакллантириш мақсадида амалга оширилган ишлардан барча хабардор.

Шу боис ҳам Президентимиз миллий ғоя, миллий мафкура масалаларига доимий эътибор қаратиб, ўз асарлари ва нутқларида бу масалага алоҳида урғу бериб келади. Айтиш жоизки, давлатимиз раҳбарининг бу борадаги қарашлари, фикр-мулоҳазалари йиғилиш қатнашчиларига тарқатилган янги тўпламда жамланган.

Бу мавзуга бағишлаб олиб борилаётган тадқиқот ишлари, изланишлар, нашр этилаётган китоблар, олимлар, ёзувчилар, маданият намояндаларининг матбуот, радио-телевидениедаги чиқишлари, ўтказилаётган тадбирлар, тарғибот-ташвиқот ишлари ҳам бу масаланинг нақадар кенг қамровли муаммо эканини тасдиқлайди, деди Ислом Каримов.

Албатта, олиб борилаётган ишларимиз, қарашларимиз барчаси бир хил савияда бўлмаса-да, уларнинг орасида жиддий ёндашувга асосланган, кишида фикр уйғотадиган изланишлар ҳам борлиги диққатга сазовор.

Мана шу чиқишларда билдирилаётган фикр ва қарашлар баъзан бир-бирига уйғун келмаслиги, айрим жойларда бир-бирига қарама-қарши бўлиши ҳам табиийдир. Лекин шу ҳолат замирида ҳам, бу борада олиб борилаётган ишларнинг маъно-мазмунида ҳам бугун халқимиз бошидан кечираётган ҳаёт учун бу масаланинг нечоғли долзарб эканини, унинг моҳиятини англашга катта қизиқиш ва интилиш мавжудлигини кўриш мумкин.

Давлатимиз раҳбари жамоатчилигимизнинг маълум бир қисми ҳали-ҳануз бу жараёндан узоқ турганини ҳам инобатга олишимиз ва бундай ҳолатдан тегишли хулосалар чиқаришимиз зарурлигини қайд этди.

Ислом Каримов бу борадаги фикрларини баён этиб, аввалambор, ўзининг келажагини кўрмоқчи ва қурмоқчи бўлган ҳар қандай давлат ёхуд жамият, албатта ўз миллий ғоясига суяниши ва таяниши кераклигини таъкидлади. Зеро, давлат тизими, уни бошқариш ва олиб борилаётган сиёсат аввало аниқ ва равшан ифодаланган мафкура асосига қурилмоғи лозим. Ўз миллий ғоясига таянмаган жамият инқирозга дучор бўлиши, ўз йўлини йўқотиб қўйиши муқаррар.

Иккинчидан, бугун биз тарихий ўзгаришлар даврида – яъни мустабид, тоталитар бир тизимдан эркин ва озод тизимга ўтиш шароитида яшамоқдамиз. Бу ўтиш даврида халқимиз ўзига хос, жуда катта ғов ва тўсиқларга дуч келиши, бу жараён катта курашлар орқали кечиши барчамиз учун аён бўлмоғи даркор. Халқимиз ва жамиятимизни мана шу даврдаги янги уфқлар сари бошлаш, даъват қилишда мақсадларимиз аниқ бўлиши керак. Йўлбошчимиз бундай мақсадларга аввало чуқур ўйланган ва пухта ишланган мафкура асосидагина етишиш мумкинлигини уқтирди.

Ўрта ва катта ёшли авлод эски тизим даврларини бошидан кечирган ва охирги ўн йил давомида қандай оғир йўлларни босиб ўтганимиздан хабардор. Учинчи масала шундаки, энди вояга етаётган ёшларимизни нима билан, қандай ғоя ва мафкура билан тарбиялашимиз керак? Улар қандай ғоя асосида, қандай ғоя негизида тарбия олиши, қандай эзгу мақсадларга интилиши керак? Қандай мафкура ва тафаккур улар учун қурол бўлиб хизмат қилмоғи лозим?

Тўртинчидан, тарбиявий-ахлоқий масалаларда, маънавий ҳаётда, керак бўлса, миллий манфаатларимизга мос келадиган сиёсатни изчил олиб боришда ўз йўлимизни йўқотмаслигимиз учун ғоявий бўшлиққа йўл қўймаслигимиз даркор, деди Президент.

Нега деганда, бугун дунёда бораётган курашлар ичида энг катта, энг таъсирчан кураш, аввало, мафкура майдонларида олиб борилмоқда ва бу курашда енгиш учун жуда катта маблағ, имконият ва кучлар сафарбар қилинмоқда.

Шундай вазиятда ёшларимизнинг баъзан сохта ғоялар орқасидан эргашиб кетаётгани биз учун катта хавфдир. Шу сабабли ҳам биз учун ўзимизга сувдек, ҳаводек зарур бўлган миллий ғоя, миллий мафкура керак.

Юртбошимизнинг фикрича, миллий ғоянинг яна бир муҳим аҳамияти шундан иборатки, у миллатимизнинг, халқимизнинг ўзлигини англашига, ўзининг миллий қадриятларини, урф-одатларини йўқотмасдан, уларни тиклаб, авайлаб, эъзозлаб, янги, ўсиб келаётган авлодга етказиб бериш учун хизмат қилиши керак.

Олтинчидан, миллий ғоя олдига қўйиладиган асосий талаблар ҳақида гапирмоқчи бўлсак, аввало унинг икки суянган тоғи – таянчи ҳақида фикр юритишимиз зарур.

Ислом Каримов миллий мафкурамиз, биринчи навбатда, халқимизнинг азалий анъаналарига, удумларига, тилига, динига, руҳиятига, бир сўз билан айтганда, миллий қадриятларимизга, халқимизнинг дунёқараши ва тафаккурига асосланиб, шу билан бирга, замонавий, умумбашарий, умуминсоний ютуқлардан озиқланган, уларни ўзига қамраб олган ҳолда, юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ манфаати ва фаровонлиги йўлида хизмат қилмоғи даркорлигини айтди.

Еттинчи масала – миллий мафкура ҳеч қандай шаклда давлат мафкураси мақомига кўтарилмаслиги, айланмаслиги керак. У жамиятимиздаги қарашлар ранг-баранглиги, ғоялар хилма-хиллигини сақлаган ҳолда, уларни бир-бири билан курашишига, баҳслашувига, ҳар қандай партия, ҳаракат, ҳар қайси инсон, фуқаронинг ўз фикрини эркин ифода этиши ва уни ҳимоя қилишига зиён ёки тазйиқ кўрсатмаслиги лозим.

Лекин, шу билан бирга, миллий ғоя давлатимиз, жамиятимиз, халқимизнинг юксалиши йўлида, буюк келажак барпо этишдек эзгу мақсадга эришиш ва жаҳон ҳамжамиятида ўзимизга муносиб обрў-эътибор топишимизда ягона байроқ, ягона бирлаштирувчи куч-қанот бўлиши шарт, деди давлатимиз раҳбари.

Йиғилишда сўзга чиққан "Жаҳон адабиёти" журнали бош муҳаррири, таниқли адабиётшунос О.Шарафиддинов, Ўзбекистон халқ шоири Э.Воҳидов, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмад, Ўзбекистон файласуфлар жамияти раиси И.Раҳимов, Тошкент шаҳар бош имом хатиби А.Турсунов, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси А.Орипов ва бошқалар миллий ғоя ва миллий мафкура масаласи мамлакатимиз истиқболи, келажагини белгилашда жуда муҳим омил эканлигини таъкидладилар. Бу борада таълим-тарбия жараёнини такомиллаштириш, чуқур илмий тадқиқотлар олиб бориш, зиёлилар билан дин вакиллари ўртасида доимий ҳамкорликни йўлга қўйиш, буюк аждодларимиз меросини ўрганиш ва тарғиб этиш, оммавий ахборот воситалари фаолиятини кучайтириш, маънавий-маърифий ишларни янги босқичга кўтариш катта аҳамият касб этади.

Президент Ислом Каримов йиғилишни якунлар экан, бу борадаги муаммолар негизига етиб бориб, миллий мафкура концепциясини тайёрлаш билан бевосита шуғулланадиган гуруҳ тузиш таклифини билдирди.

Бу гуруҳ миллий ғоя, миллий мафкура ҳақида ҳозиргача эълон қилинган тадқиқотлар, китоблар, матбуотдаги чиқишларни, йиғилишда баён этилган фикр-мулоҳазаларни умумлаштириши, яхлит бир илмий концепция ҳолига келтириши керак.

Бу ишни кечиктирмай амалга ошириш даркор, деди Юртбошимиз. Чунки биз миллий мафкура концепцияси ҳақида кўпдан бери гапиряпмиз-у, лекин ҳалигача аниқ бир маҳсул йўқ. Энг муҳими, биринчи навбатда ўқув масканларида, олий ўқув юртларида таълим-тарбия олаётган болаларимиз учун аниқ ва равшан, шу билан бирга, таъсирчан ўқув қўлланмалари, дарсликлар тайёрлаш, уларни амалиётга татбиқ қилиш бугунги кундаги энг долзарб масала деб биламан.

Ислом Каримов жамиятимизда фидойи, билимдон, ватанпарвар, соғлом тафаккурга эга бўлган зиёли одамлар кўплигига ишонч билдирди. Эндиги вазифа – уларнинг интилиш ва ташаббусларини бир нуқтага жамлаш, бир мақсад сари йўналтириш, шу асосда миллий мафкурамизни ривожлантириш ва халқимиз онгига сингдиришдан иборат.

**Беҳзод УСМОН (ЎзА)**

**СУРАТЛАРДА: йиғилиш пайти.**

**Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган суратлар.**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИДА

**Бугунги кунда Жиззах вилоятида «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги, «Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари қандай ижро этилмоқда? Вилоят оммавий ахборот воситаларининг айни пайтдаги ҳолати қандай? Уларни тарқатиш, кадрлар билан таъминлаш муаммоларига қандай эътибор берилмоқда? Олий Мажлиснинг Матбуот ва ахборот қўмитасининг кеча бўлиб ўтган йиғилишида ана шундай саволларга жавоб изланди.**

Йиғилишни қўмита раиси Ў. Ҳошимов олиб борди. Жиззах вилояти ҳокимининг ўринбосари О. Жавлонов кун тартибидаги масала бўйича ҳисобот берди.

Қонунларнинг Жиззах вилоятидаги ижроси юзасидан қўмита тайёрлаган маълумотномада қайд этилганидек, вилоятда оммавий ахборот воситалари ва журналистлар фаолиятини ҳимоя қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатларига риоя этиш бўйича муайян ишлар қилинмоқда. Айтиш жоизки, ҳозир вилоятда 19 номдаги газета чоп этилаяпти. Шунингдек, вилоят телерадиокомпаниясининг «Ҳамроҳ» телеканали ҳамда «Жиззах» студияси фаолият кўрсатаяпти. Даврий нашрлар «Жиззах почтаси» акциядорлик жамияти таркибидаги 13 та филиал, 153 та алоқа бўлими орқали обуначига етказиб берилмоқда.

Қонунлар ижросини ўрганиш жараёнида камчиликлар борлиги ҳам аниқланди. Масалан, даврий нашрлар ижодкорлари ҳар иккала қонунда назарда тутилган оммавий ахборот воситалари эркинлиги ва сўз эркинлиги ҳуқуқидан ҳамиша ҳам кенг фойдаланаяптилар, деб бўлмайди. Жойлардаги ташкилотларнинг раҳбарлари қонунларда белгиланган ахборот олиш, жавоб қайтариш ёки раддия бериш каби ҳуқуқларга амал қилмайдилар. Айниқса, туман газеталарининг матбаа-нашр сифати паст. Аксарият газеталар суратсиз чоп этилмоқда. «Ғаллаорол овози» газетаси саҳифалари хира ва кўримсиз бўлгани учун уни ҳатто ўқиш ҳам мушкул кечаяпти.

Вилоятда оммавий ахборот воситалари учун малакали журналистлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Чунки айрим газеталар таҳририятига сўнгги 9-10 йил давомида биронта олий ўқув юртини тугатган ихтисосли журналист ишга келмаган. Вилоятда атиги 250 нусхада чиқадиган газеталар ҳам борлиги ажабланарли ҳолдир.

Барча нашрлар бўйича обуна сони вилоят аҳолисига нисбатан тақсимланса, ҳар минг киши ҳисобига олганда бу кўрсаткич 70,8 нусхани ташкил этади.

Даврий нашрларни обуначига етказишда ҳам бирмунча муаммолар учраб турибди. Масалан, кундалик матбуот нашрлари ҳар куни темирйўл вокзалига соат 10.20 да олиб келинади. Уни обуначиларга етказгунча уч соат вақт йўқотилади. Демак, газета Жиззах шаҳридаги обуначига соат 14 ва 15 ларда етиб бораяпти, дейиш мумкин. Форишгачи?..

Айтиш жоизки, вилоят телевидениеси орқали ҳозир ҳафтасига тўрт марта, борйўғи икки соатлик кўрсатув эфирга берилмоқда. Вилоят аҳолисига ТВ хизматини яхшилаш, унинг қамровини кучайтириш учун вилоят телекўрсатувлар вақтини кўпайтириш зарур. Ҳолбуки, бунинг учун вилоятда ижодий кучлар етарли.

Йиғилишда, шунингдек мавжуд камчиликлар ва муаммоларни бартараф этиш юзасидан кўпдан-кўп тавсиялар берилди, таклиф ва мулоҳазалар билдирилди.

Йиғилиш ишида иштирок этган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раисининг ўринбосари Ф. Муҳитдинова мавжуд қонунларга қандай қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш бўйича таклифлар тайёрлаш зарурлиги, уларни янада такомиллаштириш ҳақида сўз юритди.

**Ўз мухбиримиз.**

# ТАДБИРКОРЛАР ТАНЛОВИ

Ўзбекистон Бадиий академиясининг "Хамар" Халқаро алоқалар марказида Тошкент шаҳри бўйича "Ташаббус – 2000" анъанавий тадбиркорлар танлови ўтказилди.

Унда пойтахтдаги 255 корхона иштирок этди. Шуниси эътиборга лойиқки, иштирокчиларнинг учдан бир қисмини кичик ва ўрта бизнес вакиллари ташкил этади. Танловда қўшма корхоналардан ҳам шунча вакил қатнашди.

"Энг яхши тадбиркор" номинацияси бўйича сув тозалаш филтрлари ишлаб чиқарувчи "Гринтек" экологик корхонаси, ёритгичлар ишлаб чиқарувчи "ДНИСС" масъулияти чекланган жамияти ва тозаловчи воситалар тайёрловчи "Хабигул" хусусий фирмаси ғолиб деб топилди.

Ёғоч ўймакори С.Раҳматуллаев, терида миниатюра ишлаш устаси Ш.Шоаҳмедов ва лак миниатюраси устаси Б.Йўлдошев "Энг яхши ҳунарманд" деб эътироф этилди.

"Энг яхши тадбиркор аёл" унвонига "Хабигул" хусусий фирмаси директори Г.Ҳабибулина сазовор бўлди, "Энг яхши технология" номинацияси бўйича "Гринтек" экологик корхонаси директори Р.Ҳайдаров ғолибликни қўлга киритди. Ҳайъат аъзолари "Энг интизомли солиқ тўловчи" унвонига тиббий пахта ишлаб чиқаришга ихтисослашган "Олмос-текс" масъулияти чекланган жамиятини муносиб деб топишди. "ИАБ Анвар" хусусий фирмаси директори А.Иноғомов "Танловнинг энг ёш иштирокчиси" бўлди.

Ғолиблар танловнинг республика босқичида Тошкент шаҳри номидан иштирок этади.

Танлов меҳмонлари иштирокчиларнинг маҳсулотлари билан танишиш ва ишбилармон ҳамкорлар танлаш имкониятига эга бўлди.

**В. МАРКОВ (ЎзА).**

# ЯНГИ ЦЕХ МАҲСУЛОТЛАРИ — ХОРИЖГА

Чорвадорлар диёри – Нурободдa кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга жиддий эътибор берилаяпти. Бу ерда ишлаб турган Навоий кон-металлургия комбинатининг Жанубий кон бошқармасига қарашли мармар ишлаб чиқариш корхонаси имкониятлари анча кенг. Ҳар куни Италиянинг энг замонавий «Марденти» ускуналари ёрдамида 250-300 квадрат метр сифатли мармар плиталари тайёрланмоқда. Муҳими, 200 дан ортиқ нурободлик иш билан таъминланган.

Германия технологияси асосида жиҳозланган поливинилхлорид қувурлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган завод қуввати ҳам ошиб бораяпти. Ана шу корхона қошида яна бир янги – полиэтилен қувурлари тайёрлайдиган цех очилди.

– 16 диаметрдан 63 диаметргача бўлган полиэтилен қувурлари ишлаб чиқаришга киришдик, – дейди цех бошлиғи Анатолий Элченко. – Германиянинг «ЛРС» фирмаси технологияси асосида тайёрланаётган бундай қувурлардан халқ хўжалигининг барча жабҳаларида фойдаланиш мумкин. Поливинилхлорид қувурларини ўтган йили хорижга сота бошлагандик. Бу йил маҳсулотларимизга Қозоғистон ва Қирғизистон Республикалари харидор бўлиб туришибди. Янги цех маҳсулоти ҳам қисқа вақтда хорижга чиқади.

Янги цехнинг ишга туширилиши туфайли 60 нафар киши фойдали ижтимоий меҳнатга жалб қилинди. Бу ерда йилига суғориш тармоқлари, тоғ-кон ишларида фойдаланиладиган 300 тоннагача сифатли қувур ишлаб чиқарилади.

**А. САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

*Мутахассис мулоҳазаси*

# ИШОНЧНИ ЗАНГ БОСМАСИН

**Президентимизнинг халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгаши сессиясида сўзлаган нутқи жамоатчилик диққат марказида турибди. Таҳририятимизга келаётган хат, шошилинчнома ва телефон қўнғироқларида турли соҳаларда ишлаётган фуқаролар Юртбошимиз ўртага қўйган масалаларга ўз муносабатларини билдиришаяпти. Қуйида мазкур мавзуда мутахассис нуқтаи назарини газетхонлар эътиборига ҳавола қилаяпмиз.**

Юртимизнинг кунгай тарафи — Сурхон воҳасида деҳқончилик қилиш учун ҳеч қаерда йўқ шароит бор десак, ишонаверинг. Меҳнаткаш ва мард халқи, серқуёш осмони, унумдор тупроғи билан ном қозонган мазкур ҳудуд илғорлар қаторида бўлиши учун зарур бўлган барча омилга эга. Жаннатмакон юртимизнинг ажойиб бир гўшаси бўлмиш, нафақат Ўрта Осиё, балки жаҳон цивилизациясининг ноёб ўчоқларидан бири ҳисобланмиш Сурхонда кўп бор бўлганман. Одамларининг меҳнаткашлигига, тадбиркорлигига тасанно айтганман.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгаши сессиясида бу заминнинг меҳнаткаш одамлари фазилатларини эътироф этиш билан бирга, кечаги билим, кечаги тажриба ва дунёқараш билан бугун ишлаш мумкин эмаслигини жуда тўғри таъкидладилар.

Дарҳақиқат, бугунги кун талабларига жавоб бериш учун тинмай изланиш, янги давр нафасини ҳис қилиш тақозо этилади. Бозор муносабатлари эса ҳисоб-китобни ёқтиради. Шу маънода, Президентимиз зарар келтираётган хўжаликлар ортиқча харажатларни қисқартириш ўрнига ҳар бирининг тепасида 20-30 бошқарув ходими ўтирганлигини ўринли танқид қилдилар. Масалан, Бандихон туманидаги Ойбек номли хўжаликда саноқли одам ишлайди. Ўтган йил якуни бўйича 17,3 миллион сўм зарар кўрилди. Ихчамгина хўжаликнинг бошқарув идорасида 21 нафар амалдор «папка» кўтариб ишга келади. Хўжалик раҳбари Илҳом Хўжаназаров бугунги кун талабларини англаб етганида шундай қилармиди?!

Президентимиз таъбири билан айтганда, иқтисодий-ижтимоий ислоҳотларнинг оқсаётганлиги ҳам, халқнинг турмуш фаровонлиги ўсмаётгани ҳам, қатор долзарб муаммоларнинг вақтида ечимини топмаётгани ҳам бир жиҳатдан ана шу иллатга боғлиқ.

Бултур Сурхондарё ғалла майдонларининг анчагина қисмини «занг» касаллиги босди. Анча ҳосил нобуд бўлди. Тўғри, занг касаллиги табиатнинг бир офати, инжиқлиги билан боғлиқ. Лекин, менинг назаримда, касалликнинг айнан Сурхондарёни «танлаши»да, табиатдан ташқари ҳам, сабаби борга ўхшайди. Яъни, маҳаллий раҳбарларнинг ўз вазифаларига муносабатларини ва оқибатда халқнинг уларга ишончини занг боса бошлаган эди...

Сурхон халқи соғлом иқлим яратилишини интиқлик билан кутди. Улар ислоҳотлар жадал кетаётган ва шу боис халқнинг турмуш даражаси тобора ошиб бораётган ҳудудлар аҳолисига ҳавас билан қарашар эди. Бир пайтнинг ўзида вилоят аҳли адолатсизликдан бонг уриб, турли идораларга мурожаат қила бошлади. Сурхондарёнинг сўнгги 3-4 йилда пойтахт идораларига энг кўп хат ва аризалар келган вилоятлардан бири бўлганлигининг сабаби балки шудир? Одамлар ўз ҳудудида адолатсизликка жавоб топа олмагани учун марказий идораларга мурожаат қилгандир?

Айни кунларда Сурхондарёда бир қатор республика вазирлик ва идораларининг раҳбар ва мутахассислари бўлиб, вилоятда ўз соҳалари бўйича ҳолатни яна бир бор чуқур таҳлил қилишмоқда. Бутун эътибор Президентимиз таҳлилида тилга олинган камчиликларнинг туб илдизини аниқлашга, уларни бартараф этиш учун тезкор чора-тадбирлар кўришга қаратилган. Вақт кутиб турмайди. Шуларни ҳисобга олган мутасаддилар вилоятнинг ер, сув ва бошқа ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича таклиф ва мулоҳазалар тайёрлашмоқда.

Иқтисодиётни эркинлаштириш деҳқоннинг оёқ-қўлини ечиб юборади, мўл ва арзон маҳсулот етиштиришга рағбатини оширади. Мен бунга ўтган йили мамлакатимиз аграр секторида бозор хўжалик механизмининг шаклланиши мавзуида тадқиқот ўтказганимда, диссертация ҳимоя қилганимда ишонч ҳосил қилдим. Афсуски, Сурхондарёдаги аҳвол билан танишгудек бўлсак, иш ўлда-жўлда ташкил этилганига гувоҳ бўласиз.

Эркинлик тамойилларини қарор топтиришда оилавий пудратнинг аҳамияти беқиёс. Бу усул оқилона жорий этилган жойда ҳамма юмушлар бир маромда равон кетади. Лекин Узун туманидаги «Гулистон», Музрабод туманидаги «Деҳқонобод» жамоа хўжаликларида оилавий пудрат қоғозда қолиб кетган. Буни аниқлаш унча мураккаб эмас: ерларни оилаларга қайси ҳужжатлар асосида бириктирилгани ҳеч қаерда акс этмаган. Бундан ташқари, вилоятда 2814 та фермер мавжуд бўлса, унинг ярми мустақил эмас. Юридик мақомга эга бўлмаган фермерлар ҳар қанча яхши ишламасин, барибир, косаси оқармайди. Зарар билан чиққан хўжалик фермерларнинг ҳақини йил давомида «еб тугатади». Нега энди қолоқ хўжаликларнинг экинзорларини ишчан фермерларга бўлиб бериш мумкин эмас?

Ўз ҳолига ташлаб қўйилган ва гўё бозор иқтисодиёти шароитида шундай бўлиши табиий ҳисобланган Ҳамдўстликнинг айрим давлатларидаги деҳқондан фарқли равишда ўзбек деҳқони зарур пайтда ҳамиша ўз давлатига суяна олади. Соддароқ айтганда, ўзбек деҳқони ўғит, уруғ ва бошқа зарур нарсалар қидириб овораи сарсон бўлмайди. Кези келганда шуни таъкидлаш жоизки, адолат мезони бузилган Сурхонда бугун вазият бутунлай бошқача тус олмоқда, мувозанат тикланмоқда. Деҳқонларга давлат томонидан мадад кўрсатилаяпти. Одамлар руҳи кўтарилган. Эртанги кунга ишонч тобора ортиб бораётир.

Давлатнинг ўз вақтида берилган ёрдамининг аҳамияти катта. Лекин бундан ҳам муҳимроқ нарса борки, унинг аҳамиятини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди. Бу халқнинг раҳбарга ишончи ва раҳбарнинг халққа меҳри.

Юртбошимиз мазкур сессияда бу хусусда «менинг Сурхондарё аҳлига юксак ҳурмат-эҳтиромимни, меҳр-муҳаббатимни ҳеч ким ҳеч қачон ўзгартиролмайди», деб ўз муносабатини билдирди. Халқнинг ўз Президентига ишончи эса чексиздир. Худди шу ишонч бугун бутун Сурхон халқини янги ғайрат-шижоат билан далаларга отлантирмоқда.

**Собиржон АБДУСАТТОРОВ,**

**Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Иқтисодиёт Бош бошқармаси бошлиғи, иқтисод фанлари номзоди.**

*Ҳокимнинг бир куни*

Самойдин ҲУСЕНОВ:

# «ЭЛ ДАРДИГА ДАРМОН БЎЛОЛСАК...»

*Газетамизнинг 1 апрел сонида «Ҳокимнинг бир куни» рукни остида дастлабки мақола берилган эди. Қуйида мухбиримизнинг Бухоро вилояти ҳокими фаолияти ҳақидаги кузатишлари билан танишасиз.*

## 1. Хосиятли бошланиш

***Бир кунда битта одам қанча ишга улгуриши мумкин? Балки, инсоннинг ҳаётий фаолияти олдида бир кунни денгиздаги томчига муқояса этса бўлар. Лекин ҳар қандай денгизу дарёлар ҳам томчилардан тўплангани каби бир кунлик лаҳзалар, ўрни келганда, туб ўзгаришларга доя бўлиши ҳеч гап эмас.***

***Шу маънода Бухоро вилоятида ислоҳотларнинг боришини ўрганиш, кўҳна воҳа ҳаёти билан яқиндан танишиш мақсадида мазкур вилоят ҳокими Самойдин Ҳусеновнинг бир кунлик фаолиятини кузатишга аҳд қилдик. Чинакам демократик тамойиллар турмушимизга сингиб бораётган паллада газетхонлар кўзи билан ҳоким ҳаётига назар ташлашимиз табиий қабул қилинади, деб ўйлаймиз.***

Эрта тонг. Самойдин Қосимович доимий одатига кўра ҳавонинг авзойига назар ташлади. Бугун ҳам осмонда офтоб чарақлайди, фақат шамол турмаса майлийди. Икки кун олдин ёққан ёмғир ғаллазорларни яшнатиб юборди. Шундай хаёллар билан идорага бир пасда етиб келди.

Хизмат хонасига кирганида столга қўйилган энг сўнгги маълумотлар ҳоким эътиборини ўзига тортди. Тақдим этилган ахборотга кўра Қуйимозор сув омборидаги сув миқдори 242 минг куб метр (ўтган йили 280 минг бўлган), Тўдакўл сув омборида эса 1 миллион 121 минг куб метр (бултургидан 160 минг кам). Демак, сув ҳажмини кўпайтирмаса, аҳвол мураккаблашади. Тўғри, шу кунларда «Ҳамза-I» ва «Ҳамза-2» насос станцияларида таъмирлаш ишлари давом этяпти. Сувнинг озайишига ушбу станцияларнинг тўхтаб тургани ҳам сабаб. Лекин ушбу муаммони ҳозирдан ҳал этмасак, ёзда кеч бўлади. Шундай шаҳд билан телефонда Аму-Бухоро машина канали бошлиғи Раззоқ Остоновни топди. Сувни кўпайтиришнинг қандай имкониятлари бор? Р. Остонов масалани жойига бориб ўрганишга, сўнг натижасини маълум қилишга сўз берди.

Ҳоким ён дафтарига «Сув, насос, Остонов» деган сўзларни ўша кунги сана билан ёзиб қўйди. Яна қоғозлар билан танишишда давом этди. Папкага солинган шошилинчномани ўқишга тутинди. Хайрият, яхшилик экан, телеграммани кўрганда одам бирдан сергак тортади. «Берган ёрдамингиз учун раҳмат. 2000 йил деҳқончилик ишларига, оби-равонга Худо барака берсин. Ғиждувон тумани «Зарафшон» жамоа хўжалиги, 3-бригада, Климент Туйев». Самойдин ака телеграмма муаллифини дафъатан эслолмаса-да, бир одамнинг ҳожати чиққанидан ва унинг эзгу ниятларидан кўнгли равшан тортди.

## 2. Ҳокимлик соати

Бир пасда соат тўққизга яқинлашибди. Бугун икки ҳафтада бир марта ўтказиладиган ҳокимлик соати. Самойдин Қосимович тўпланганлар билан саломлашгач, йиғилишни бошлаб юборди. Анъанага кўра йиғилиш бошида янги тайинланган кадрлар таништирилади. Бу сафар деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси вилоят вакиллиги директори Абдулла Фаттоев тақдим этилди. Мутахассислиги — олим-агроном. Яна бир муҳим жиҳати: оддий кетмончидан чиққан. Фермерлар фаолияти қанчалик тўғри йўлга қўйилса, умум ишимиз шунча равон кетиши таъкидланди.

— Сиз вилоятимиздаги ҳар бир фермерни биттадан депутат оталиққа олганлигидан хабардормисиз? — сўради ҳоким А. Фаттоевдан. У тасдиқ ишорасини қилди.

*Ҳа, Бухорода бу ташаббус яқинда куртак ёзди. Президентимизнинг Олий Мажлис депутатларига қарата «Лоақал ҳар депутат битта қийналган фермерга ёрдам берсин» деган таклифлари ана шу ҳаракатга пойдевор бўлди.*

Экиш билан боғлиқ ҳукумат қарори ижроси ҳақида сўз кетди. Ҳоким масала моҳиятини тушунтириш асносида бу йил Бухоро вилояти деҳқонлари олдидаги вазифаларга тўхталди. Пахта экиладиган майдон (129 минг гектар) ва йиллик топшириқ (403 минг тонна) бу йил ҳам сақланиб қолиши айтилди. Фарқ шундаки, пахтанинг харид нархи ошган. Агар 1999 йилда эришилган маррани эгалласак, фойда 6 миллиард сўмдан ошади. Буни ҳар бир одамга етказишимиз керак. Ғалла етиштиришда ҳам худди шундай. Астойдил ишлаган деҳқоннинг косаси оқаради.

Соф даромад кўраётган хўжаликларнинг кўпайгани яхши. Лекин нега ҳамон зарар келтираётган хўжаликлар мавжуд? Бу ҳол сабаблари чуқур ўрганилиши керак. Агар раҳбар ношудлиги оқибатида бўлса, масалани бошқача қўйишга тўғри келади. Ҳоким ғаллачиликдаги ишларнинг аҳамиятини алоҳида уқтирди. Агар буғдой мўл бўлиб, хонадонлар донга тўлса, ана шу кўтаринкилик пахтачиликка ҳам таъсир этади. Элулуснинг умумий кайфияти эса бугунги кунда давом этаётган Наврўз тантаналарига боғлиқ. Шунга эришайликки, бу азалий байрам нафақат хўжалик ёки ташкилотларга, балки ҳар бир хонадонга кириб борсин.

Навбатдаги масала — Когон тумани ва Когон шаҳрида ҳокимлик соатларида берилган топшириқларнинг бажарилиши. Ҳокимлик ишлар бошқарувчиси Ш. Мирзаев ахбороти тингланди. Масаланинг ҳар бир банди танқидий кўриб чиқилди. Когон туманида ижрочилик интизоми қониқарсиз аҳволда эканлиги тўғрисида ҳоким фармойиши тайёрланадиган бўлди. Бу ҳол ҳаммага сабоқ бўлиши керак. Зотан, шундай муносабат ҳокимлик соатларида айтиладиган гапларнинг салмоғини оширади. «Ижро интизомини таъминламай туриб, — деди ҳоким, — ҳеч нарсага эришолмаймиз».

Хулоса қандай? Қарорларнинг бажарилиши бўйича изчил назорат тизимини компьютер орқали йўлга қўйиш керак. Вақтни бекор ўтказувчи, эскича қарашлардан қутулолмаётган, машиналарда виқор билан юриб, иш учун жон куйдирмаётган раҳбарлар даври ўтди.

Кейинги масала — шаҳар ва туманларда газета-журнал дўконлари орқали даврий матбуот нашрларининг тарқатилиши аҳволи. Маълум бўлишича, Бухоро вилоятида бир кунда 86 та газета дўконида 54 номдаги 9.145 нусха марказий ва маҳаллий газеталар сотилади. Хўш, бу озми-кўпми? Бир ярим миллион аҳолига эга вилоят учун бу оз, албатта. Маънавий бойлик моддий бойликдан устун, деб турилган бир пайтда Олот, Қоракўл, Пешку, Ромитан, Шофиркон туманларида атиги 3 тадан газета дўкони ишлаб турганини қандай баҳолаш мумкин? Вилоят ҳокими бу саволни соҳа мутасаддиларига қаратди. Масалалар ечими бўйича муддатлар белгиланди.

Хуллас, ҳокимлик соатида яна қатор долзарб масалалар муҳокама қилинди. Агар ушбу йиғилишда бошқа жойдан келган одам қатнашса ҳам вилоятнинг бугунги аҳволи ҳақида анча-мунча тасаввурга эга бўлиши мумкин.

## 3. Раҳбарнинг кимлиги мактабга муносабатида билинади

Ҳокимлик соатидан кейин назорат инспекцияси ходимларининг минтақавий семинари ташкилотчиларини қабул қилишга тўғри келди. Президент Фармонлари ва ҳукумат қарорларининг бажарилиши устидан таъсирчан назоратни ташкил этиш бўйича фикр алмашилди.

Белгиланган режа бўйича тўғри Бухоро шаҳридаги 35-мактабга борилди. Бу ерда таълим олаётган болаларга қандай шароит яратилгани ҳокимни қизиқтирарди. Вилоятда яхши анъана йўлга қўйилди: ҳар ойнинг учинчи душанбаси барча миқёсдаги раҳбарлар учун «Мактаблар куни» деб эълон қилинди. Тасаввур қилинг, бир кунда 15 та гуруҳда қарийб 5 минг нафар раҳбар-ота-она ва мутахассис мактабларга бориб, моддий-техника базаси билан қизиқади, таълим сифатини таҳлил қилади.

*Мактабга эътиборсиз раҳбарни келажакка эътиборсиз, мамлакатга эътиборсиз деб баҳолаймиз, дейди вилоят ҳокими. Эҳтимол, корхона раҳбари касбига кўра маориф тизимидан узоқ бўлиши мумкин, лекин барибир мактабга бефарқ бўлишга ҳаққи йўқ. Бу ташаббус ҳақида ўйлаганда бошқа вилоятларда мактабга ойлаб, йиллаб қадам босмаган ҳокимлар ҳалиям учраб туришидан ачинамиз.*

Самойдин ака мазкур мактабга аввалги сафар келганда мўлжалланган ишларнинг ижросини суриштирди. Ҳомийлар кўмагида 250 ўринли стол-стул келтирилган, болалар учун комплекс тушлик ташкил қилинган. Аниқланишича, болаларнинг тушлиги 40 сўмдан тушяпти, бошланғич синфлардаги 36 нафар кам таъминланган бола бепул овқатланмоқда. Ҳоким ошпазлар билан ҳалоллик, имон-эътиқод мавзуида суҳбатлашди. Мактаб кутубхонаси билан қизиқди. Кутубхоначига фақат болаларга китоб бериш билан чекланмай, вақти-вақти билан китобхонлар учрашувларини ўтказишни маслаҳат берди.

Мактабнинг 2, 4 ва 8-синфларида ўтказилган суҳбат жараёнида ўғил-қизларнинг билимга ташна эканликларини кўриб дили равшан тортди. Ўқувчиларнинг шижоати, интилиши чақнаб турган юз-кўзларида акс этарди. Демак, булардан чин фидойи инсонлар етишиб чиқади.

Бу ердан чиққан ҳоким шаҳарнинг Фошун канали яқинида таъмирланаётган Сайфиддин Баҳорзий мақбарасида амалга оширилаётган ишлар билан танишди. Ўз даврининг Шайхулолами мартабасига мушарраф бўлган бу табаррук зот қадамжоси ҳали Бухоронинг ўқилмаган ёрқин саҳифасидир. Бу маскан мустабид даврида чин маънода оёқости бўлган эди. Қадриятларнинг қайтиши туфайли мўътабар жойга 45 та ҳомий ташкилот ҳаракати билан қайта умр бахш этилмоқда. Ҳокимнинг имдодига биноан Шайхулолам мақбараси ёнида шу ерлик мулла Салоҳиддин Қуръон тиловат қилди. Ҳамма эзгу ниятларга қўшилиб юзга фотиҳа тортдик. Қани энди, шу ҳолатни баъзи ақидапараст кимсалар кўришса экан, деган фикр хаёлимдан ўтди. Ахир, вилоятнинг биринчи раҳбари оддий одамлар билан Қуръон қироатига мунтазир бўлса.

Ишнинг бориши қандай? Усталарга етарли шароит яратилганми? Қадамжо яқинида янгидан қурилаётган Хотира хиёбони қачон битказилади? Ҳоким ана шу саволларга жавоб излади.

## 4. Иш боши – интизом

Бухоро тумани МТПсидаги бугунги аҳвол ҳокимни қизиқтирарди. Экиш агрегатлари мавсумга шайми? Бу ерда сеялка тақилган 113 та трактор саф тортиб турарди. «Ўзбекистон» жамоа хўжалигининг 33 йиллик механизатори Тўрақул Ражабов ҳокимга янгилик учун миннатдорчилик билдирди. Хўш, янгиликнинг маъноси нимадан иборат? Гап шундаки, бу йилдан агротехника юмушларида ишлатиладиган жами техника воситалари туман МТПларида ишга тайёрланиши йўлга қўйилди. Нега бу ишни хўжаликларнинг ўзида ташкил этиш мумкин эмас? Ҳамма хўжаликда ҳам МТПдагидек шароит, эҳтиёт қисмлар йўқ. Қолаверса туман бўйича техника бир жойга тўпланса, интизом ўрнатилади. Ахир хўжаликларда тракторни хонадонда сақлаш, мавжуд қисмларни йўқотиш оддий ҳолга айланганди-ку. Бу ерда эса тракторчи иш органларини юмуш бажариб бўлингач, яна МТПга далолатнома билан топширади. Бу тажриба дастлаб вилоятнинг Шофиркон туманида синаб кўрилди, самарадорлик яққол кўзга ташлангач, ҳамма жойга татбиқ этилди.

— Илгари паркимиз цехлари бўмбўш ётувди, — дейди МТП директори Пўлат Шаропов. — Ҳозир уч сменада ишлаб турибди. Техниканинг созлигидан кўнглимиз ҳам тўқ.

Ҳоким бу ердан Вобкент тумани ҳудудида жойлашган «Бухоро-сут» ҳиссадорлик жамиятига қарашли фермага йўл олди. Меҳмонни яқинда ферма мудирлигига тайинланган Хуррам Сатторова кутиб олди. Оқ халат кийиб ферма айланамиз. Ҳокимнинг биринчи саволи одамлар иш ҳақини қачон олишгани тўғрисида бўлди. Аниқланишича, бу ерда иш ҳақи муаммоси йўқ.

— Аввалги келганимга нисбатан анча ўзгаришлар бўлибди, — деб эътироф этди Самойдин ака. — Янги қурилган бузоқхона, озуқа цехи маҳсулдорликни оширишга имкон яратган.

Яна йўл юрамиз. Кўчаларнинг икки тарафига экилган ниҳоллар — дарахт кўчатлари эътиборимизни тортади.

### ЭЗГУЛИККА ИНТИЛАР КЎНГИЛ

**(ҳоким ён дафтаридан)**

**Бухоро маънавият сарчашмаларидан бири бўлганлигини ҳис қилиш бу замин фарзандлари қалбида қанча шижоат уйғотиши мумкин. Муҳими, ана шу туйғуни ҳар бир инсонга юқтиришда.**

**Маънавий покланган одам эзгу орзулар қанотида яшайди.**

**Вилоятимизда уч ойда 6204 та чақалоқ туғилибди. Уларни оқ ювиб, оқ тараш, келгусида иш билан таъминлашга бугундан тайёр бўлишимиз керак.**

**Ғиждувонда Мўътабар Жабборова деган аёл яшайди. Ногиронлар учун тикув цехи очган, автомашиналарни таъмирловчи хизматни йўлга қўйган, шулардан ортиб 35 гектар ерда деҳқончилик қилади. Турмуш қийинчиликларидан нолиган эркакларга шу аёлдан ибрат олишга чақираман.**

**Бугунги кунда вилоятда 100 ёшдан ошган 17 нафар отахон, 228 нафар онахон умргузаронлик қилишяпти. Уларнинг дуосини ҳамиша ҳам ололяпмизми?**

**Одамлар кайфиятида гап кўп. Наврўздан шодланган деҳқон даласида баракали ишласа, дон мўллигидан руҳланган халқ пахта хирмонини юксалтирса, ишларимиз чакки бўлмас.**

— Вилоятимиздан ўтган иккита халқаро аҳамиятга эга йўл бўйларига 700 минг туп дарахт ўтқаздик, — дейди ҳоким иштиёқ билан. — Лекин асосий гап уларнинг кўкариб кетишида. Шунинг учун ҳисоботларда дарахтларнинг тутиб кетишини ҳам кўрсатишни талаб қиляпмиз. Айни пайтда назоратни ҳам унутганимиз йўқ.

Ғиждувон туманидаги «Файз» фермер хўжалигига кириб борганимизда ўзимизни мутлақо бошқа дунёга келгандай ҳис қилдик. Ҳоким эса фермер хўжалиги раҳбари Рустам Файзиев билан қадрдонларча омонлашди, бу ердаги вазият С. Ҳусеновга яхши таниш эканлиги унинг эркин ҳаракатидан шундоқ кўриниб турарди. Ҳокимни чорва маҳсулотларини қайта ишлаш қандай йўлга қўйилгани қизиқтирди. Аниқланишича, фермер хўжалигида етиштирилаётган гўшт ва сут маҳсулотларининг қарийб ярми шу ердаги замонавий цехда қайта ишланмоқда. Фермерлар хорижга маҳсулот экспорт қилиш ҳақида режа қилишяпти.

— Яқин йиллар ичида бу ерда сут соғиш, молларни озиқлантириш каби юмушлар компьютер тизими орқали бошқарилса, асло ажабланманг, — деб изоҳ беради С. Ҳусенов. — Рустам фермер аллақачон XXI асрда яшаяпти.

Ферма ҳовлисига чиқамиз. Тиғиз қилиб атиргул кўчатлари экилган. Ғалати-я, ферма ва атиргул. Ўз ишидан бир олам завқ олаётган одамларгина шундай шароитда меҳнат қилишади. Самойдин ака қўйлар боқилаётган қўрага кирганда янги туғилган қўзичоққа назари тушди. Йўқ, бу ўринда ҳокимнинг назари эмас, меҳри тушди, десак тўғри бўларди. Негаки, вилоят раҳбари фермерларнинг баракали меҳнатидан чинакам завқ-шавққа тўлганди. «Қани энди, бутун Бухорода ишни шундай йўлга қўя олсак» — бу ҳокимнинг армони эмас, ҳаётий заминга таянган ширин орзуларидир.

«Ғиждувонга келганда албатта «Гулистон» ширкатлар хўжалигига кириб ўтишим керак» — Самойдин Қосимович аввалги сафар хўжалик ҳисобчиларига оилавий пудратчиларнинг меҳнатини баҳолаш бўйича таклифларини айтиб кетганди. Хўжалик идорасининг биринчи қаватидаги ҳисоблаш марказига кириб бордик. Ёш-ёш йигитлар компьютер атрофида парвона. Марказ бошлиғи Акмал Қобилов жовонларда терилиб турган папкаларга ишора қилиб изоҳ берди:

— 391 та оилавий пудрат ҳужжатлари шу ерда жамланган. Истаган пакетни очсангиз, барча маълумотларни олиш мумкин.

Биз қўлимизга илинган биринчи папкани оламиз. Оилавий пудратчи Рўзибиби Абдуллаевага тегишли ҳужжатлар — унинг комиссияга ўз қўли билан ёзган аризаси, 1,6 гектар ерни 2003 йилгача берилганлиги тўғрисидаги далолатнома, хўжалик бошқаруви раиси билан ўтган йили тузилган шартнома, бизнес-режа, йил якуни, янги йил учун имзоланган шартнома, янги бизнес-режа. Ҳар бир папкада шунча ҳужжат мужассам.

Оилавий пудрат бошлиғи ҳар бир харажат учун хизмат кўрсатувчига чек дафтарчасидан варақ йиртиб беради. Ўтган йил натижасидан кейин бундай харажатларни тежаш ҳақида ўйлаб қолишди: ҳар бир сарф таннархга таъсир қилади-да. Масалан, пудратчи маъданли ўғитни марказий омборхонадан ўз даласига илгари тракторда олиб келарди. Энди ўз аравасида ташияпти. Юзаки қараганда, орқага қайтишдай кўринади. Аслида бунда ҳисоб-китоб тизимининг шарофати акс этади. Негаки, тракторда ўғит ташилганда пудратчи бажарилган хизмат учун механизаторга чек ёзиб беради, аравада олиб келганда бояги харажат қисқаради. Ҳамма ҳисобдон бўлиб қолди.

Янги шароитга ўтиб ишлашнинг афзаллигини бу ерда ишламаётган одамлар ҳам ҳис қилишяпти. Яъни, 1999 йил якунларига кўра 78 нафар пенсионерга 112 минг сўм дивиденд тарқатилди. Бир қарашда, йўқ жойдан даромадга эга бўлишди. Хўжалик мулки ҳар бир аъзода улуш сифатида мавжуд эканлиги тушунтирилди. Имзоланган шартномаларда топширилган пахта ҳисобида тегишли миқдорда шрот, шелуха, пахта ёғи берилиши акс этган.

*Барча бандлар тўлиқ бажарилгандан кейин одамлар ислоҳотнинг маънисига етиб бордилар. Бошқа йўл йўқ — ҳозирча ислоҳотларга моддий манфаатдорликни таъминлаш орқали эришилади. Механизм тўлиқ йўлга қўйилгандан сўнг тизимнинг ўзи ишлайверади. Муҳими, буни ҳар бир фуқаро бутун вужуди билан англаб етсин.*

## 5. Ҳазрат бобо ҳузурида

— Ҳазрат бобонинг ишлари қандай? — Самойдин ака Ғиждувон тумани ҳокими Арслон Мўминовдан сўради.

— Яхши, даласига маҳаллий ўғитни тўлиқ ташиб бўлди, ернинг тобга келишини кутяпти.

«Садриддин Айний хўжалигига ҳайда» — деди ҳоким шоферга. Ҳазрат бобо Облоқулов етмиш учинчи баҳорни қаршилаётган бўлса-да, ҳаракатлари йигитларникидан қолишмайди. Машинадан тушганимизда у киши вилоят ҳокимини бағрига босиб, даст кўтариб олди. Ҳокимнинг одамлар билан бундай яқинлигини ҳар қадамда кўриш мумкин.

— Бу йилнинг келиши қандай? — сўради Самойдин ака кекса бригадирдан.

— Ёмон эмас, шўр вақтида ювилди, шарбатни етарли ғамлаб қўйганмиз. Худо хоҳласа, балиқ йили баракали келади.

*Шу дамда Президентимизнинг худди Ҳазрат бобо каби пахтакорлар меҳнати ҳақида айтган қуйидаги сўзлари ёдимизга тушди: «Бухоронинг ҳар қарич ери деҳқонларнинг пешона тери билан суғорилган». Бу юксак баҳо ҳар бир деҳқонни, ҳар бир раҳбарни, ҳар бир ҳокимни фидокорона меҳнатга даъват этмоқда.*

Биз бунга ҳокимнинг бир кунлик фаолиятини кузатиш асносида ишонч ҳосил қилдик. Оқшом тушиб, Бухоро тун оғушида ором оларди.

— Иш кунингиз тугадими? — сўрадим Самойдин акадан.

— Чарчадингизми? Яна битта иш бор. Хонага кирамиз-да, вазиятни биламиз. Сўнг ўн бир яримда «Ахборот»нинг такрорини кўрамиз. Ҳали саккиз яримда йўлда бўлиб кўролмадикку...

— Нима, «Ахборот»ни канда қилмай кўрасизми?

— Албатта. Ахир мамлакатимизнинг томир уришини ҳис қилмай яшаб бўладими?!

Дастурга ўзгартиш киритилган, шекилли, «Ахборот»нинг такрори тунги 12 ларга яқин бошланди. Ҳоким экрандан кўзини узмасди. Бухорода майонез ишлаб чиқариш йўлга қўйилганлиги, «Коском» уяли телефон алоқаси вилоятда иш бошлагани тўғрисида лавҳалар берилди. Хосиятли бошланган кун хайрли якун топарди.

## 6. Замин фарзандлари

Шу бир кунда қанча йўллар босиб ўтилди, қанча одамлар билан мулоқотда бўлинди. Суҳбатлар, баҳслашув, йўл-йўриқ бериш, ижрони текшириш. Ҳа, раҳбар бошқалардан кўра узоқни аниқ ва теран кўриши керак, деган талаб нақадар адолатли. Баъзан ўйлаб қоласан киши: ҳамиша ҳам шундай бўлаяптими? Кун бўйи юрилган йўллар кутилган самара берадими? Энг оддий масалаларга ҳам вилоят ҳокимининг аралашиши шартмикан?

Бир кунлик манзараларни кўз олдимиздан ўтказиб сўрайман:

— Бир киши ҳар қанча ҳаракат қилмасин, барча масалани қамраб ололмайди. Шу сабабдан энг муҳим вазифани қандай аниқлаб оласиз?

— Мен учун энг муҳими — вилоят халқининг кайфияти, осойишталиги, барқарорлиги. Қолган ҳамма ишлар ана шу мақсадларга эришиш йўлидаги саъй-ҳаракатларимиздир.

— Қўл остингиздаги раҳбарларга қайси ишлардан сақланишни маслаҳат берган бўлардингиз?

— Мен ҳар доим айтаман: халқни ёлғон ваъда билан алдаб бўлмайди. Қилолмасанг, очиғини айт, ўшанда одамлар ишонади. Агар ишонч йўқотилса, қолган тоат-ибодат бир пул...

— Ҳаётий шиорингиз?

— Эл дардига дармон бўлиш. Қайси лавозимда ишлашдан қатъий назар. Фақат ана шу мақсад инсонга куч-қувват бахш этади. Ишлаганинг сайин ишлагинг келади.

*Ҳа, Бухорода ислоҳотлар юришиб боряпти. Ўтган йили вилоят ғалла тайёрлаш режасини мамлакатда биринчи бўлиб бажарди. Пахта ҳосилдорлиги гектарига 31 центнердан ошиб кетди. Бир сўз билан айтганда, вилоятдаги олға кетиш ислоҳотлар моҳиятини унинг бевосита ижрочисига етказиш ҳисобига амалга ошмоқда. Вилоятда биринчи раҳбар иш бошлаганига уч йилдан ошди. Ўшанда аҳоли жон бошига халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш атиги 5950 сўм эканлиги танқид қилинганди. Бу кўрсаткич эндиликда 33582 сўмга етди. Аҳолига пулли хизмат кўрсатиш 8728 сўм (уч йил олдин 760 сўм бўлган)ни ташкил этмоқда.*

Гап фақат рақамларда эмас, албатта. Бухорода маънавий покланиш нияти халқ руҳини тозартиряпти. Агар буюк зотлар қадамининг изи қолган муқаддас замин билан фахрланиш туйғуси умумий ишга катта қувват бахш этяпти десак, бу сўзлар баландпарвоз иборадек туюлмасин. Бу ишларда ўзини ҳам, ўзгаларни ҳам тиндирмайдиган раҳбар Самойдин Ҳусеновнинг муносиб ҳиссаси бор.

Бугун бу замин фарзандлари машҳур ҳофизнинг эл оғзига тушган қўшиғидаги сатрни озгина ўзгартириб, «Бухорога бир бор келинг, Бухорога» дейишмоқда.

**Шуҳрат ЖАББОРОВ.**

# ИШБИЛАРМОНЛАР МАНФААТИНИ КЎЗЛАБ

*Олий хўжалик судида*

**Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судида Ислом Каримовнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлис биринчи сессиясидаги ҳамда ўтган йил якунлари ва 2000 йилда иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаларидан келиб чиқиб суд қарорлари ижросини таъминлаш интизомини кучайтириш вазифалари ҳақидаги масала юзасидан икки кунлик ўқув машғулотлари ўтказилди.**

Машғулотларда кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорлар, деҳқон-фермер хўжаликларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда хўжалик судларининг масъулиятини ошириш, айниқса, республика Президентининг "Хўжалик судларининг қарорлари ижросини таъминлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони талабларини бажаришда прокуратура, солиқ органлари, банк муассасалари, кўчмас мулк биржаси ва бошқа давлат органларининг ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш масалаларига ҳам алоҳида тўхтаб ўтилди.

Жумладан, хўжалик судларининг ижрочилари суд қарорларига асосан, 1999 йилда 5,7 млрд. сўмлик қарзларни тарафларга ундириб берганлар. 2000 йилнинг январ-феврал ойлари давомида эса, 1,2 млрд. сўм пул ундириб олинди. Бу тизим хатти-ҳаракати туфайли республика бюджетига шу давр ичида бир миллиард сўм маблағ келиб тушди.

Машғулотларда кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорлар, деҳқон-фермер хўжаликлари ва хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда судьялар ва суд ижрочиларининг ролини ва масъулиятини ошириш масаласи кенг муҳокама қилиниб, тегишли йўлланмалар берилди.

**Ўз мухбиримиз.**

# БЕШ ҚИТЪА ДАРАКЛАРИ

## РОССИЯ ШОВ-ШУВЛАР ИЧИДА

**Ҳақиқатан ҳам, бугунги кунда Россиядаги воқеалар кўпчиликнинг қизиқишига сабаб бўлмоқда. Куни кеча президентликка номзоди қўйилган Самара вилояти губернатори Константин Титовнинг истеъфога чиққанлигини мамлакат матбуоти катта шов-шув сифатида шарҳлади. Бизда фақат президентлар – Михаил Горбачёв ва Борис Ельциндан бошқа ҳеч ким истеъфо бермаганди, — деб ёзади журналист Николай Калинин. Тўғри. Аммо энди ушбу истеъфо сабаблари нималарга боғлиқлиги хусусида қанчалик тахминлар қилинмасин, у нисбий бўлиши табиий. Маълумотларга қараганда, бугун собиқ губернаторнинг бу ҳақдаги аризаси вилоят губерниясининг навбатдан ташқари йиғилишида кўриб чиқилади.**



*Бугунги Лондон*

## ЖУРНАЛИСТ БОШ ВАЗИР БЎЛДИ

**Ўтган якшанба куни Япония Бош вазири Кейдзо Обутининг инсултга чалинганлиги мамлакат ҳукуматининг тўла таркибда истеъфога чиқишига сабаб бўлди. Маълумки, Японияда ҳукумат парламентда кўпчилик овозга эга бўлган партия томонидан тузилади. Бугунги кунда собиқ Бош вазир етакчилигидаги либерал-демократик партия қонун чиқарувчи органдан катта жой эгаллаган. К. Обутининг тоби қочгач, мазкур партия аъзолари йиғилишида ЛДП Бош котиби Иосиро Море партия раислигига сайланди. Бу ўз навбатида янги ҳукумат тузиш ва бошқариш айнан унга тегишлигини олдиндан белгилаб беради.**

**Хўш, Иосиро Море аслида ким бўлган? У 1937 йилда Исикавада туғилган. 1960 йилда «Васэда» университетини тамомлади. Меҳнат фаолиятини журналист сифатида «Санкей» газетасида бошлаган. Кейинчалик сиёсат билан шуғулланган. Шу кунгача ўн бор вакиллик палатаси депутатлигига сайланди. Ташқи савдо ва саноат вазири ҳам бўлган. Япония парламентининг яқинда бўлиб ўтган мажлисида эса унга янги ҳукумат тузиш ваколати берилди. Аммо тузилажак ҳукумат фаолияти шу йилнинг кузигача давом этади, холос. Негаки, октябр ойигача мамлакатда парламентининг қуйи палатасига сайлов ўтказилади. Демак, партияларнинг ўзаро «жанг»лари ҳали олдинда. Аммо хориж матбуотида ёзилаётганидек, япон халқи мамлакатда турли партияларнинг пайдо бўлиши ва тарқаб кетиши, улар орасидаги қизғин сиёсий курашларга алоҳида қизиқиш билдирмайди. Шу билан бирга ҳукумат раҳбарларининг тез-тез алмашиб туриши ҳам улар учун табиий ҳол. Тараққиёт ва ўсишда эса тўхташ бўлмайди. Эҳтимол, бу халқнинг ҳукуматга, ҳукуматнинг халққа бўлган ўзига хос ишончи туфайлидир. Зеро, оддий япониялик сиёсат сиёсатдонлар учун, ҳукумат эса ҳар қандай шароитда ҳам халқ манфаатини кўзлаб иш тутиши лозим эканлигига қатъий ишонади. Ўз навбатида ҳукумат тепасига келган раҳбар бу ишончни оқлашга интилади.**

## СУД ҚАРОРИ ЗЎРМИ Ё БИЛЛ ГЕЙТС?

**Ҳозирда ушбу савол кўпчиликни ўйлантирмоқда. Ёдингизда бўлса, шу йилнинг 13 январида машҳур «Майкрософт» корпорацияси раҳбари Билл Гейтс истеъфога чиққан эди. Аммо у корпорация бошқаруви раислигини сақлаб қолди. Ўшанда эндигина 44 ёшни қоралаган Гейтс ўз имиджини янада кўтариш мақсадида истеъфо берганлигини айтган эди. Бироқ Вашингтон шаҳар суди чиқарган қарор унинг зафарли юришини тўхтатиб қўйди. Суд «Майкрософт» корпорациясини монополияга қарши қонунни бузганликда айбдор, деб топди. Корпорация жаҳонда ишлаб чиқарилаётган ҳар ўн компьютернинг тўққизтасига ўзининг «Интернет» тармоғи билан ишловчи қўшимча дастурларни ўрнатганлиги суд қарорига асос қилиб келтирилган. Бу кетишда дейилади унда, компьютер ишлаб чиқарувчилар умуман дастур ололмай қолиши, ҳатто маҳсулотини ҳам сотолмаслиги мумкин. АҚШ қонунчилигига мувофиқ, монополист деб топилган ҳар қандай корхона ўз фаолиятини тўхтатиши ёки майда бўлакларга бўлиниши шарт. Зеро, шундай қилинмаса бозорда соғлом рақобатни таъминлаш жуда мушкул. Ҳозирча АҚШ адлия вазири Жонет Рино суд қарорини тўла маъқуллаган. Билл Гейтс эса шаҳар суди чиқарган қарорни бекор қилиш ниятида қатъий турибди. Энди ким кимдан зўрлигини, табиийки, вақт кўрсатади.**

## ЭЛИАН ВАТАНИГА ҚАЙТАДИ

**Ҳа, ушбу хабар жаҳон матбуоти саҳифаларининг биринчи саҳифаларида кенг ёритилмоқда. Кубалик Элиан Гонсалиснинг отаси кўп уринишлардан сўнг АҚШ визасини олишга муваффақ бўлди. Айни пайтда у Вашингтонда. Майамида эса болани отасига топшириш мўлжалланмоқда. Чунки АҚШ ҳукумати болани ватанига қайтаришга розилик берди.**

**Шу ўринда Элиан Америкага қандай қилиб бориб қолганди, деган савол кўпчиликни ўйлантириши табиий. Гап шундаки, 6 ёшли болакай денгиз йўли билан Кубадан АҚШга кетаётганида у ўтирган кема ҳалокатга учраган эди. Шунда америкалик соҳил қўриқчилари Элианни қутқазиб қолди. Бироқ уни Кубага қайтарилиши шу вақтгача кўплаб норозиликларга сабаб бўлган эди.**

**«Интернет» хабарларини Ф. САНАЕВ тўплади.**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:

***(Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2000 йил феврал ойи бўйича маълумот)***

***I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:***

1. Тугатиладиган корхона мулки ва мажбуриятларини инвентаризация қилишни ташкил этиш ҳамда уларнинг қийматини аниқлаш бўйича йўриқнома. *ЎзР Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги ҳузуридаги Иқтисодий ночор корхоналар ишлари бўйича қўмита томонидан тасдиқланган ҳамда Молия вазирлиги билан келишилган.*

***2000 йил 3 февралда 887-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

2. Ўзбекистон Республикаси, Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети қарамоғида бўлган, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси вилоятлари, шаҳар ва туманларининг маҳаллий бюджети қарамоғида бўлган ташкилотларнинг ҳаражатлар сметасини тузиш, кўриб чиқиш ва тасдиқлаш тартиби тўғрисида йўриқнома. *ЎзР Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган.*

***2000 йил 3 февралда 888-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки инспекция бўлинмалари томонидан тижорат банклари ва уларнинг филиалларида инспекция (текшириш) ўтказиш тартиби тўғрисида низом. *ЎзР Марказий банки томонидан тасдиқланган.*

***2000 йил 3 февралда 889-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

4. Божхона юк декларацияларини тўғрилаш, қайта расмийлаштириш ва бекор қилиш тартиби. *ЎзР Давлат божхона қўмитаси томонидан тасдиқланган.*

***2000 йил 7 февралда 890-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

5. "Ўзфармсаноат" концерни ҳузурида Ривожлантириш жамғармасини ташкил қилиш ва солиқ имтиёзларини ҳисоблаб чиқариш тартиби. *ЎзР Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланган.*

***2000 йил 8 февралда 891-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

6. Ўсимлик ёғи ишлаб чиқаришда техника хавфсизлиги ва саноат санитарияси қоидалари. *Давконтехназорат томонидан тасдиқланган ва Меҳнат вазирлиги, Ёғмойтамакисаноат уюшмаси, Ўзбекистон агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмасининг Марказий қўмитаси билан келишилган.*

***2000 йил 8 февралда 893-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

7. Ўзбекистон Республикаси банк муассасаларида эмиссия-касса иши, пул тушумини инкассация қилиш ва бойликларни ташиш бўйича йўриқнома. *ЎзР Марказий банки томонидан тасдиқланган.*

***2000 йил 10 февралда 576-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

8. Эпидемияларга қарши кураш бўйича тадбирлар учун бюджет ассигнацияларини сарфлаш ҳамда эпидемияларга қарши курашга юборилаётган тиббиёт ва бошқа ходимларнинг хизмат сафарини тўлаш тартиби тўғрисида йўриқнома. *ЎзР Молия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган ва Меҳнат вазирлиги, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан келишилган .*

***2000 йил 11 февралда 895-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

9. Халқаро почта жўнатувлари устидан божхона назоратининг вақтинчалик қоидалари. *ЎзР Давлат божхона қўмитаси ва Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги томонидан тасдиқланган.*

***2000 йил 11 февралда 896-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

10. Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлар режасига 5-сонли қўшимча. *ЎзР Марказий банки томонидан тасдиқланган.*

***2000 йил 14 февралда 773-5-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

11. Айирбошлаш шахобчаси тўғрисидаги низомга 1-сонли ўзгартириш ва қўшимчалар. *ЎзР Марказий банки томонидан тасдиқланган.*

***2000 йил 15 февралда 464-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

12. Мулкчилик шаклларидан қатъий назар корхона, муассаса, ташкилотнинг доимий ҳаракатдаги эксперт комиссияси (ЭК) тўғрисида намунавий низом. *ЎзР ВМ ҳузуридаги Ўзбошархив томонидан тасдиқланган.*

***2000 йил 21 февралда 897-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

13. Вазирлик, давлат қўмитаси, идораси, юридик шахслар бирлашмаларининг доимий ҳаракатдаги Марказий эксперт комиссияси (МЭК) тўғрисида намунавий низом. *ЎзР ВМ ҳузуридаги Ўзбошархив томонидан тасдиқланган.*

***2000 йил 21 февралда 898-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

14. Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидан олиб кириладиган товарларнинг божхона қийматини билдириш ва назорат қилиш қоидалари. *ЎзР Давлат божхона қўмитаси томонидан тасдиқланган.*

***2000 йил 22 февралда 899-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

15. Тижорат банкларида қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган операцияларнинг бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги низомга 1-сонли ўзгартириш ва қўшимчалар. *ЎзР Марказий банки томонидан тасдиқланган.*

***2000 йил 22 феврала 662-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

16. Ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш тартиби. *ЎзР Ижтимоий таъминот вазирлиги томонидан тасдиқланган ҳамда Меҳнат вазирлиги, Молия вазирлиги, "Маҳалла" Республика жамғармаси билан келишилган.*

***2000 йил 23 февралда 900-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

17. Юридик ва жисмоний шахсларнинг саноат мулки объектларидан фойдаланганликлари учун даромад (фойда) солиғидан озод қилиш ва даромад (фойда) солиғи миқдорини аниқлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага 1-сонли қўшимча. *ЎзР Фан ва техника давлат қўмитаси, Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланган.*

***2000 йил 23 февралда 471-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

18. Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун ҳисоб-китоблар жамғармаси тўғрисидаги низомга 1-сонли ўзгартириш ва қўшимчалар. *ЎзР Молия вазирлиги ва Марказий банк томонидан тасдиқланган.*

***2000 йил 25 февралда 612-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

19. Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун ҳисоб-китоблар жамғармаси маблағлари ҳисобидан қишлоқ хўжалик маҳсулотларига аванс беришда аванс тўловларини амалга ошириш тартибига 1-сонли ўзгартириш ва қўшимчалар. *ЎзР Молия вазирлиги, Марказий банк томонидан тасдиқланган ва Ихтисослаштирилган акциядорлик-тижорат "Пахта Банк", Ихтисослаштирилган акциядорлик-тижорат "Галлабанк", "Ўзпахтасаноатсотиш" акциядорлик уюшмаси, "Ўздонмаҳсулот" Давлат акциядорлик корпорацияси билан келишилган.*

***2000 йил 25 февралда 656-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

20. Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун ҳисоб-китоблар жамғармаси маблағлари ҳисобидан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари учун якуний ҳисоб-китобларда тўловларни амалга ошириш тартибига 1-сонли ўзгартириш ва қўшимчалар. *ЎзР Молия вазирлиги, Марказий банк томонидан тасдиқланган ва Ихтисослаштирилган акциядорлик-тижорат "Пахта Банк", Ихтисослаштирилган акциядорлик-тижорат "Галлабанк", "Ўзпахтасаноатсотиш" акциядорлик уюшмаси, "Ўздонмаҳсулот" Давлат акциядорлик корпорациси билан келишилган.*

***2000 йил 25 февралда 657-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

21. Ўзбекистон Республикаси ҳудудига сертификацияланиши мажбурий бўлган товарлар (маҳсулотлар)ни олиб кириш ва унинг ҳудудидан олиб чиқиш тартиби тўғрисида йўриқнома. *Ўздавстандарт ва ЎзР Давлат божхона қўмитаси томонидан тасдиқланган.*

***2000 йил 26 февралда 901-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

22. Тижорат банклари томонидан ўз фаолиятини юридик шахс ташкил этмасдан амалга ошираётган якка тартибдаги тадбиркорлар ва деҳқон хўжаликларига миллий ва хорижий валютада микрокредитлар бериш тартиби. *ЎзР Марказий банки томонидан тасдиқланган.*

***2000 йил 29 февралда 902-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

23. Тижорат банклари томонидан фермер хўжаликларига ва ўз фаолиятини юридик шахс ташкил этмасдан амалга ошираётган бошқа кичик бизнес субъектларига микрокредитлар бериш тартиби. *ЎзР Марказий банки томонидан тасдиқланган.*

***2000 йил 29 февралда 903-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

**Рўйхатдан ўтказилган меъёрий ҳужжатлар, улар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб, агар ҳужжатнинг ўзида кечроқ муддат кўрсатилмаган бўлса, кучга киради. Айрим ҳолларда меъёрий ҳужжатларни кучга киритиш учун қонунчиликда белгиланган бошқа қоидалар ҳам бажарилиши лозим (матбуотда чоп этиш ва бошқалар).**

***II. Давлат рўйхатидан чиқарилди:***

1. Банкрот-корхонанинг инвентаризациясини ва мажбуриятлари ҳамда мулкининг қийматини баҳолашни ташкил этиш бўйича йўриқнома. *ЎзР Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги ҳузуридаги Иқтисодий ночор корхоналар ишлари бўйича қўмита томонидан тасдиқланган ҳамда Молия вазирлиги билан келишилган.*

***2000 йил 3 февралдан чиқарилди (1998 йил 3 апрелда 419-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган).***

2. Кичик корхоналар учун ягона солиқни ҳисоблаб чиқариш тўғрисида тушунтириш хати. *ЎзР Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланган.*

***2000 йил 7 февралдан чиқарилди (1999 йил 9 мартда 663-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган).***

3. Фан-техника маҳсулотларини яратиш (бериш) учун шартномалар тўғрисида низом. *ЎзР Фан ва техника давлат қўмитаси томонидан тасдиқланган.*

***2000 йил 15 февралдан чиқарилди (1994 йил 5 майда 47-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган).***

4. Ўзбекистон Республикаси ҳудудига сертификацияланиши мажбурий бўлган товарлар (маҳсулотлар)ни олиб кириш ва унинг ҳудудидан олиб чиқиш тартиби тўғрисида йўриқнома, 1-сонли қўшимча. *Ўздавстандарт ва ЎзР Давлат божхона қўмитасининг Бош божхона бошқармаси томонидан тасдиқланган.*

***2000 йил 26 февралдан чиқарилди (1996 йил 12 апрелда 235-сон, 1999 йил 7 июлда 235-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган).***

5. Тижорат банклари томонидан кичик ва ўрта бизнес субъектлари, деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳамда якка тартибдаги тадбиркорларни барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан миллий ва хорижий валютада микрокредитлар бериш тартиби. *Марказий банк томонидан тасдиқланган.*

***2000 йил 29 февралдан чиқарилди (1996 йил 16 декабрда 855-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган).***

**Мазкур меъёрий ҳужжатлар қонунчилик ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилиши ва ёки янги меъёрий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан ўз кучини йўқотди.**

***III. Давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилди:***

1. Раҳбарий ҳужжат "График ўтказиш ва тармоқ ресурсларини тақдим этишда телекоммуникация тармоғи операторлари ўртасидаги ўзаро ҳисоб китобларни юритиш учун ҳисоб нарх(такс)ларини ўрнатиш услуби". *Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги томонидан тақдим этилган.*

2. Юқори хавфли бўлган минтақада бўлиш ва унда Ўзбекистон Республикаси автомобил транспортида ишлар олиб бориш қоидалари. *Ўзбекистон автомобил ва дарё транспорти агентлиги томонидан тақдим этилган.*

3. Кабель телевидениеси тизимини лойиҳалаш бўйича йўриқнома. *Ўзбекистон почта ва телекоммуникация агентлиги томонидан тақдим этилган.*

4. Телекоммуникация корхоналарининг электр қурилмаларини лойиҳалаш бўйича йўриқнома. *Ўзбекистон почта ва телекоммуникация агентлиги томонидан тақдим этилган.*

5. Радиоэшиттириш алоқаси ҳамда телевидение иншоот ва қурилмаларини йиғиш бўйича йўриқнома. *Ўзбекистон почта ва телекоммуникация агентлиги томонидан тақдим этилган.*

6. Ўзбекистон Республикасида кредит ресурслари аукционларини ўтказиш тартиби. *ЎзР Марказий банки томонидан тақдим этилган.*

7. 21, 31, 41, 42, 43, 44, 51, 52, 53, 54, 57, 61-шаклларга йўриқномалар. (12 та ҳужжат). *Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги томонидан тақдим этилган.*

8. Хўжалик юритувчи субъектларнинг банкдаги ҳисобварақларидан пул маблағларини ўчириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага 4-сонли ўзгартириш. *ЎзР ИИВ томонидан тақдим этилган.*

9. Умумий овқатланиш хизматларини сертификатлаш тартиби. *Ўздавстандарт томонидан тақдим этилган.*

10. Хусусийлаштириш инвестиция фондларини қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиби. *ЎзР Давлат мулки ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази томонидан тақдим этилган.*

11. "Истеъмолчилар билан реактив қувват компенсациясини яхшилаш бўйича ишларни ташкил қилиш" Раҳбарий ҳужжат. *ЎзР Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги томонидан тақдим этилган.*

12. "Иқтисод ва бошқарувни ташкил қилиш. Энергия тизимининг истеъмолчилар билан электр энергияси сифати масаласи бўйича ўзаро муносабатлари" Раҳбарий ҳужжат. *ЎзР Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги томонидан тақдим этилган.*

13. Ўзбекистон Республикаси корхоналаридан қимматбаҳо металлар бўлган материалларни қабул қилиш, шунингдек "Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати" очиқ турдаги акциядорлик жамиятида қимматбаҳо металларни қайта ишлашни ҳисобга олиш, сақлаш ва инвентаризациясини ўтказиш тартиби тўғрисида йўриқнома. *Қимматбаҳо металлар қўмитасининг Давлат проба палатаси томонидан тақдим этилган.*

14. "Ўзбекнефтегаз" Миллий холдинг компаниясининг акциз тўланадиган маҳсулотлари учун акциз солиғи ставкалари ва уларни бухгалтерлик ҳисобида акс эттириш тартиби. *ЎзР Молия вазирлиги томонидан тақдим этилган.*

15. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдаланиладиган дори воситаларининг сифат назоратини ўтказиш тартиби тўғрисида йўриқнома. *ЎзР Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тақдим этилган.*

16. Дорихона ва даволаш муассасаларига келиб тушаётган дори воситаларининг сифат назоратини ўтказиш тартиби тўғрисида йўриқнома. *ЎзР Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тақдим этилган.*

17. Чет эл ҳамда МДҲ мамлакатлари дори воситалари ва субстанцияларининг экспертизаси, клиник синовларини қайд этиш ва қайта қайд этиш тартиби тўғрисида йўриқнома. *ЎзР Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тақдим этилган.*

18. Маҳаллий дори воситалари экспертизаси, клиник синовлари, қайд этиш ва қайта қайд этиш тартиби тўғрисида йўриқнома. *ЎзР Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тақдим этилган.*

19. Дори воситалари ва тиббий буюмлар ишлаб чиқаришни амалга оширувчи корхоналарни назорат қилиш қоидалари. *ЎзР Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тақдим этилган.*

20. Электр ва иссиқлик энергияси истеъмолчиларининг тариф гуруҳлари тўғрисида низом. *ЎзР Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги томонидан тақдим этилган.*

21. Чорак ва йиллик молиявий ҳисоботни тақдим этиш муддатлари тўғрисида низом. *ЎзР Молия вазирлиги томонидан тақдим этилган.*

22. Товарларни Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидан ташқарида қайта ишлаш божхона режими тўғрисида низом. *ЎзР Давлат божхона қўмитаси томонидан тақдим этилган.*

23. Туристик хизматларини сертификациялаш тартиби. *Ўздавстандарт томонидан тақдим этилган.*

**Тақдим этилган ҳужжатларда амалдаги қонунчиликка зид қоидалар мавжуд ёки улар меъёрий ҳужжатларга қўйилган талабларга жавоб бермайди. Давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилган меъёрий ҳужжатлар Адлия вазирлигининг хулосалари ҳисобга олинган ҳолда қайта ишланган тақдирда давлат рўйхатидан ўтказиш учун такроран тақдим этилиши мумкин.**

***IV. Ҳуқуқий экспертизадан ўтказилмоқда:***

1. 2000 йил учун манзилли қурилишлар рўйхатини кўриб чиқиш ва тасдиқлашнинг вақтинчалик тартиби. *ЎзР Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги томонидан тақдим этилган.*

2. Дарё транспортини техник ишлатиш қоидалари. *Ўзбекистон автомобил ва дарё транспорти агентлиги томонидан тақдим этилган.*

3. Мулкчиликнинг барча шаклларидаги вазирликлар, идоралар, корхоналар ва ташкилотлар ходимларининг Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги хизмат сафарида сафар харажатлари учун маблағлар бериш тартиби. *ЎзР Молия вазирлиги томонидан тақдим этилган.*

4. Ишлаб чиқариладиган ва сотиладиган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага 4-сонли ўзгартириш ва қўшимчалар. *ЎзР Молия вазирлиги томонидан тақдим этилган.*

5. Ўзбекистон Республикаси Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги тизимида меҳнатни муҳофаза қилиш ишларини ташкил этиш ва унинг ҳолати устидан оператив назорат бўйича низом. *ЎзР Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги томонидан тақдим этилган.*

6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг интеграллашган ахборот-таҳлилий тизимини яратиш, татбиқ этиш, кузатиш ва ишлатиш қоидалари. *ЎзР Марказий банки томонидан тақдим этилган.*

7. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг интеграллашган ахборот-таҳлилий тизими тўғрисида низом. *ЎзР Марказий банки томонидан тақдим этилган.*

8. Ўзбекистон Республикаси банкларида статистик ҳисоботни ташкил этиш қоидаларига ўзгартириш. *ЎзР Марказий банки томонидан тақдим этилган.*

9. Электрон ҳисоботлар ҳақида низом. *ЎзР Марказий банки томонидан тақдим этилган.*

10. Қурилиш объектларини рўйхатга олиш тартиби. *ЎзР Даварх итектқурилиш қўмитаси томонидан тақдим этилган.*

11. Ўзбекистон Республикаси стандартлари ва техник шароитларида Ўзбекистон Республикаси радиочастоталар бўйича давлат комиссияси қоидаларига риоя этиш (ҳисобга олиш) тартиби тўғрисида низом. *ЎзР Давлат Радиочастоталар қўмитаси томонидан тақдим этилган.*

12. Кимё-фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқаришда жамланган ҳисоботлар тузиш учун номенклатурага тушунтириш. *ЎзР Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги томонидан тақдим этилган.*

13. Ўзбекистон Республикаси банкларида асосий воситалар, номоддий активлар, кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ҳисобини юритиш тўғрисида йўриқнома. *ЎзР Марказий банки томонидан тақдим этилган.*

14. Бюджетдан молиялаштириладиган ташкилотларда бюджет интизомига риоя этилиши устидан назоратни ташкил этиш бўйича вақтинчалик йўриқнома. *ЎзР Молия вазирлиги томонидан тақдим этилган.*

15. Туристик гуруҳларни хорижга юборишнинг вақтинчалик тартиби. *Ўзбектуризм томонидан тақдим этилган.*

16. Ер солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага 4-сонли ўзгартириш ва қўшимча. *ЎзР Давлат солиқ қўмитаси томонидан тақдим этилган.*

17. Наркомания ва токсикомания билан касалланган, наркотик воситалар ёки психотроп моддаларни тиббиётдан ташқари истеъмол қилишга йўл қўяётган шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш, текшириш, ҳисобга олиш ва кузатиш ҳамда уларга наркологик ёрдам кўрсатиш тартиби. *ЎзР Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тақдим этилган.*

18. Раҳбарий ҳужжат "График ўтказиш ва тармоқ ресурсларини тақдим этишда телекоммуникация тармоғи операторлари ўртасидаги ўзаро ҳисоб китобларни юритиш учун ҳисоб нарх(такс)ларини ўрнатиш услуби" (Адлия вазирлиги хулосаси асосида қайта ишланган). *Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги томонидан тақдим этилган.*

19. Табиий монополиялар субъектлари томонидан асосий воситаларни сотиб олиш ёки сотиш бўйича битимлар тузилиши устидан назорат қилиш тартиби тўғрисида йўриқнома (янги таҳрир). *ЎзР Молия вазирлиги ҳузуридаги Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси томонидан тақдим этилган.*

20. Хусусийлаштириш инвестиция фондларини қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиби. *ЎзР Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази томонидан тақдим этилган.*

**Маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Идоравий меъёрий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси томонидан тақдим этилди.**

**Саволлар ва таклифлар учун телефонлар:**
**133-38-67, 132-00-28**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:

***(Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2000 йил март ойи бўйича маълумот)***

***I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:***

1. "Ўзбекнефтегаз" Миллий холдинг компаниясининг корхона ва ташкилотлари ҳисобварақларидан маблағларнинг тўловлари навбати ва табиий газни истеъмол қилувчиларнинг етказиб берувчилар - "Ўзгазсотиш" шўъба корхонаси корхоналари, Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг хўжалик ҳисобидаги "Бошкоммунгаз" Бош бошқармаси газ хўжаликлари бошқармалари билан ҳисоб-китобларининг вақтинчалик тартибига 1-сонли ўзгартириш ва қўшимчалар. *ЎзР Марказий банки, Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланган.*

***2000 йил 7 мартда 862-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

2. Бюджетга қарашли ташкилотларнинг харажатлар сметаси ва мансаб жадвалларини Молия вазирлигида ва молия органларида рўйхатдан ўтказиш тартибига 1-сонли ўзгартириш ва қўшимчалар. *ЎзР Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган.*

***2000 йил 7 мартда 849-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

3. Тижорат банклари томонидан фермер хўжаликлари, шунингдек кичик ва ўрта бизнес субъектларини миллий валютада кредитлаш тартиби. *ЎзР Марказий банки томонидан тасдиқланган.*

***2000 йил 7 мартда 907-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

4. Туристик гуруҳларни хорижга юборишнинг вақтинчалик тартиби. *Ўзбектуризм МК, ЎзР ТИВ, МХХ, ИИВ ва Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитаси томонидан тасдиқланган.*

***2000 йил 7 мартда 908-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

5. Трафик ўтказиш ва тармоқ ресурсларини тақдим этишда телекоммуникация тармоғи операторлари ўртасида ўзаро ҳисоб-китоб юритиш учун ҳисоб нарх(такс)ларини ўрнатиш услуби. *Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги томонидан тасдиқланган ҳамда ЎзР Молия вазирлиги ҳузуридаги Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси билан келишилган.*

***2000 йил 10 мартда 909-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

6. Ўзбекистон Республикасининг автоматлаштирилган банк тизимларидаги антивирус ҳимояси тўғрисида низом. *ЎзР Марказий банки томонидан тасдиқланган ва ЎзР Фан ва техника Давлат қўмитаси билан келишилган.*

***2000 йил 10 мартда 910-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

7. Ўзбекистон Республикасининг миллий сертификация тизими "Туристик хизматларини сертификациялаш тартиби". *Ўздавстандарт томонидан тасдиқланган.*

***2000 йил 18 мартда 911-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

8. Ўзбекистон Республикаси банкларида асосий воситалар, номоддий активлар, кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмларнинг бухгалтерлик ҳисобини юритиш тўғрисида йўриқнома. *ЎзР Марказий банки томонидан тақдим этилган.*

***2000 йил 18 мартда 912-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

9. Ўзбекистон Республикаси банклари ўртасида электрон тўлов тизими бўйича ҳисоб-китоблар юритиш тўғрисидаги низомга 2-сонли ўзгартириш. *ЎзР Марказий банки томонидан тасдиқланган.*

***2000 йил 20 мартда 542-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

10. Ваколатли давлат органининг Марказий депозитарий билан ўзаро фаолияти тартибига 1-сонли илова (янги таҳрири). *ЎзР Давлат мулк қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази томонидан тасдиқланган.*

***2000 йил 20 мартда 848-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

11. Табиий монополиялар субъектлари томонидан асосий воситаларни сотиб олиш ёки бериш бўйича битимлар тузилиши устидан назорат қилиш тартиби тўғрисида йўриқнома (янги таҳрирда). *ЎзР Молия вазирлиги ҳузуридаги Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси томонидан тасдиқланган.*

***2000 йил 27 мартда 913-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

12. Хусусийлаштириш инвестиция фондларини қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиби. *ЎзР Давлат мулк қўмитаси, Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази томонидан тасдиқланган ҳамда Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги ҳузуридаги Иқтисодий ночор корхоналар ишлари бўйича қўмита билан келишилган.*

***2000 йил 27 мартда 914-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

13. Табиатни муҳофаза қилиш жамоат нозири тўғрисида низом. *ЎзР Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси томонидан тасдиқланган.*

***2000 йил 30 мартда 915-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

**Рўйхатдан ўтказилган меъёрий ҳужжатлар, улар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб, агар ҳужжатнинг ўзида кечроқ муддат кўрсатилмаган бўлса, кучга киради. Айрим ҳолларда меъёрий ҳужжатларни кучга киритиш учун қонунчиликда белгиланган бошқа қоидалар ҳам бажарилиши лозим (матбуотда чоп этиш ва бошқалар).**

***II. Давлат рўйхатидан чиқарилди:***

1. Табиий монополиялар субъектлари томонидан асосий воситаларни сотиб олиш ёки сотиш, лизинг асосида бериш бўйича битимлар тузилиши устидан назорат қилиш тартиби тўғрисида йўриқнома. *ЎзР Молия вазирлиги ҳузуридаги Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси томонидан тасдиқланган.*

***2000 йил 27 мартдан чиқарилди (1999 йил 11 февралда 634-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган).***

**Мазкур меъёрий ҳужжат янги меъёрий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан ўз кучини йўқотди.**

***III. Давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим эмас:***

1. Ўзбекистон Республикаси Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигида меҳнат муҳофазаси бўйича ўқиш ташкил этиш ва билимларни текшириш тўғрисида низом. *ЎзР Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги томонидан тақдим этилган.*

**Ушбу ҳужжат умумий мажбурий тусга эга эмас (яъни ички идоравий тусдаги ҳужжат). Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлмаган меъёрий ҳужжатларда амалдаги қонун ҳужжатларига зид қоидалар бўлмаслиги лозим.**

***IV. Давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилди:***

1. Дарё транспортини техник ишлатиш қоидалари. *Ўзбекистон автомобил ва дарё транспорти агентлиги томонидан тақдим этилган.*

2. Мулкчиликнинг барча шаклларидаги вазирликлар, идоралар, корхоналар ва ташкилотлар ходимларининг Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги хизмат сафарида сафар харажатлари учун маблағлар бериш тартиби. *ЎзР Молия вазирлиги томонидан тақдим этилган.*

3. Кимё-фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқаришда жамланган ҳисоботлар тузиш учун номенклатурага тушунтириш. *ЎзР Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги томонидан тақдим этилган.*

4. Ўзбекистон Республикаси стандартлари ва техник шароитларида Ўзбекистон Республикаси радиочастоталар бўйича давлат комиссияси қоидаларига риоя этиш (ҳисобга олиш) тартиби тўғрисида низом. *ЎзР Давлат Радиочастоталар қўмитаси томонидан тақдим этилган.*

5. 2000 йил учун манзилли қурилишлар рўйхатини кўриб чиқиш ва тасдиқлашнинг вақтинчалик тартиби. *ЎзР Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги томонидан тақдим этилган.*

6. Ишлаб чиқариладиган ва сотиладиган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага 4-сонли ўзгартириш ва қўшимчалар. *ЎзР Молия вазирлиги томонидан тақдим этилган.*

7. Ўзбекистон Республикаси Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги тизимида меҳнатни муҳофаза қилиш ишларини ташкил этиш ва унинг ҳолати устидан оператив назорат бўйича низом. *ЎзР Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги томонидан тақдим этилган.*

8. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида радиочастоталар спектри ва радиоэлектрон воситалардан фойдаланишни тартибга солиш тартиби тўғрисидаги низомга 1-сонли қўшимча. *ЎзР Радиочастоталар Давлат комиссияси томонидан тақдим этилган.*

9. Барча турдаги радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмаларни Ўзбекистон Республикасида қайта ишлаш (замонавийлаштириш) ва ишлаб чиқариш ҳамда Ўзбекистон Республикасига чет элдан олиб кириш учун полосалар (номиналлар) ажратиш тартиби тўғрисидаги нозомга 1-сонли қўшимча. *ЎзР Радиочастоталар Давлат комиссияси томонидан тақдим этилган.*

10. Ветеринар статистик ҳисобот бўйича йўриқнома (14 та ҳужжат). *Давлат ветеринария бош бошқармаси томонидан тақдим этилган.*

11. GSM стандартдаги уяли ҳаракат алоқаси операторлари томонидан халқаро автоматлаштирилган роуминг хизматини ташкил этиш ва кўрсатиш бўйича низом. *Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги томонидан тақдим этилган.*

12. Қурилиш объектларини рўйхатга олиш тартиби. *ЎзР Даварх итектқурилиш қўмитаси томонидан тақдим этилган.*

13. Наркомания ва токсикомания билан касалланган, наркотик воситалар ёки психотроп моддаларни тиббиётдан ташқари истеъмол қилишга йўл қўяётган шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш, текшириш, ҳисобга олиш ва кузатиш ҳамда уларга наркологик ёрдам кўрсатиш тартиби. *ЎзР Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тақдим этилган.*

14. Давлат қисқа муддатли облигациялар бозорида Дилерлик вазифаларини бажаришга доир шартномалар тузиш тартибига ўзгартиришлар. *ЎзР Марказий банки томонидан тақдим этилган.*

15. Давлат қисқа муддатли облигациялари чиқарилишларига хизмат кўрсатиш ва уларнинг муомалада бўлиши тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар. *ЎзР Марказий банки томонидан тақдим этилган.*

16. Электр ва иссиқлик энергияси истеъмолчиларининг тариф гуруҳлари тўғрисида низом. *ЎзР Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги томонидан тақдим этилган.*

17. Мулкни баҳолаш миллий стандарти. МБМС № 1 "Интеллектуал мулкни баҳолаш" Асосий қоидалар. *ЎзР Фан ва техника Давлат қўмитаси томонидан тақдим этилган.*

18. Мулкни баҳолаш миллий стандарти. МБМС № 2 "Номоддий активларни баҳолаш" Асосий қоидалар. *ЎзР Фан ва техника Давлат қўмитаси томонидан тақдим этилган.*

**Тақдим этилган ҳужжатларда амалдаги қонунчиликка зид қоидалар мавжуд ёки улар меъёрий ҳужжатларга қўйилган талабларга жавоб бермайди. Давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилган меъёрий ҳужжатлар Адлия вазирлигининг хулосалари ҳисобга олинган ҳолда қайта ишланган тақдирда давлат рўйхатидан ўтказиш учун такроран тақдим этилиши мумкин.**

***V. Ҳуқуқий экспертизадан ўтказилмоқда:***

1. Ер солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага 4-сонли ўзгартириш ва қўшимча. *ЎзР Давлат солиқ қўмитаси томонидан тақдим этилган.*

2. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўз фаолиятини амалга ошираётган суғурта агентлари тўғрисида низом. *ЎзР Молия вазирлиги томонидан тақдим этилган.*

3. Ўзбекистон Республикасининг миллий сертификация тизими "Умумий овқатланиш хизматларини сертификациялаш тартиби". *Ўздавстандарт томонидан тақдим этилган.*

4. Раҳбарий ҳужжат. Табиатни муҳофаза қилиш. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий лабораторияларини аттестация қилиш. *ЎзР Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси томонидан тақдим этилган.*

5. Умумий фойдаланиш тармоғида телефон алоқаси хизматлари кўрсатиш қоидалари. *Ўзбекистон почта ва телекоммуникация агентлиги томонидан тақдим этилган.*

6. Марказий банк томонидан тижорат банкларининг ички меъёрий ҳужжатларига қўйиладиган талаблар тўғрисида низом. *ЎзР Марказий банки томонидан тақдим этилган.*

7. Меъёрий ҳужжатларни давлат реестридан чиқариш тўғрисида хат (5 та ҳужжат). *ЎзР Марказий банки томонидан тақдим этилган.*

8. Хорижий кредит ҳисобига сотиб олинган асбоб-ускуналарга мулк солиғи бўйича имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисида тушунтириш. *ЎзР Молия вазирлиги томонидан тақдим этилган.*

9. Ер остидан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартибига 2-сонли ўзгартириш ва қўшимчалар. *ЎзР Молия вазирлиги томонидан тақдим этилган.*

10. Ҳаётни суғурта қилдиришдан бошқа суғурта турлари бўйича суғурта заҳираларини тузиш тартиби тўғрисида вақтинчалик низом. *ЎзР Молия вазирлиги томонидан тақдим этилган.*

11. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида суғурта ташкилотлари томонидан суғурта заҳираларини жойлаштиришнинг вақтинчалик тартиби. *ЎзР Молия вазирлиги томонидан тақдим этилган.*

12. Ўзбекистон Республикаси банкларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бўйича йўриқномага 2-сонли ўзгартириш ва қўшимчалар. *ЎзР Марказий банки томонидан тақдим этилган.*

**Маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Идоравий меъёрий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси томонидан тақдим этилди.**

**Саволлар ва таклифлар учун телефонлар:**
**133-38-67, 132-00-28**

